

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ВА ҲУДУДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**08.00.12 - “Минтақавий иқтисодиёт” мутахассислиги бўйича**

**таянч докторантурага кириш имтиҳони**

**ДАСТУРИ**

**Тузувчилар:**

**и.ф.д., профессор Ахмедов Т.М.  
фалсафа доктори (PhD) Якубова Э.Т.  
фалсафа доктори (PhD) Кузиев К.Ф.**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос табиий ва инсон ресурслари салоҳияти, иқтисодиётининг таркибий тузилиши, иқтисодий ривожланиш даражаси ва ихтисослашуви билан ажралиб туради.

Мамлакат ҳақидаги билим унинг барча ҳудудлари тўғрисидаги чуқур ва ҳар томонлама тўлиқ тасаввурни шаклланади. Бундай шароитда ҳудудлар иқтисодиёти ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви ҳақидаги илмий билимлар катта аҳамиятга эга. Минтақа иқтисодиётининг таркибий тузилмасини ўрганиш, оқилона, илмий асосланган минтақавий сиёсат ва унинг стратегиясини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Минтақавий иқтисодиёт фани ҳудудларни барқарор ривожлантириш услубиёти, усуллари ва амалиётини, маҳаллий салоҳиятдан, иқтисодий ўсишнинг янги манбалари ва омилларидан самарали фойдаланиш асосида ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш даражасини илмий асослаб беришни, иқтисодий ўсишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, алоҳида ҳудудларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ва ҳудудий кластерларни, урбанизация жараёнларини ташкил этишни тадқиқ этади.

Ушбу дастур 08.00.12-Минтақавий иқтисодиёт мутахассислиги бўйича барча паспорт талабларини ўз ичига олади ва ҳудудий иқтисодиёт йўналиши бўйича кириш имтиҳонларини топшириш учун мўлжалланган.

**Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтига**  
**08.00.12 - “Минтақавий иқтисодиёт” мутахассислиги бўйича**  
**таянч докторантурага кириш имтиҳони**  
**ДАСТУРИ**

Минтақавий иқтисодиётнинг предмети, вазифалари ва тадқиқот объектлари. Миллий иқтисодиётда минтақавий ривожланишнинг жиҳатлари. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра, Ўзбекистон ҳудудларининг табақаланиши (келиб чиқиш сабаблари ва омиллари). Минтақавий иқтисодиётга оид замонавий назариялар ва илмий мактаблар. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари. Ўзбекистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омиллари. Ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш омиллари ва чора-тадбирлари. Ўзбекистонда минтақавий ривожланишнинг асосий йўналишлари. Мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш омиллари. Ўзбекистонда меҳнат бозори ва аҳоли бандлигининг ҳудудий жиҳатлари. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳудуднинг ривожланиш қонуниятлари, тамойиллари ва хусусиятлари. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳудудий таркиби. Мамлакатда саноат ривожлантиришнинг ҳудудий хусусиятлари. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инфратузилманинг (ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор) ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ҳудудий таркиби. Минтақаларни барқарор ривожлантиришда институционал омилларнинг ўрни. Ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш, оқилона ихтисослаштириш. Келажакда минтақаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ҳудудларидаги демографик вазиятни баҳолаш. Минтақаларда камбағалликни қисқартириш йўллари. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳудудий жиҳатлари. Минтақаларни ривожлантиришда туризмнинг ўрни ва аҳамияти. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши ва бюджетлараро муносабатлар. Қишлоқ жойларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари. Ўзбекистон минтақаларининг экологик муаммолари. Ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш услубиёти ва амалиёти. Ўзбекистонда урбанизацияни ривожлантириш хусусиятлари ва истиқболлари. Меҳнат салоҳиятининг ҳудудий жиҳатлари. Минтақа иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг манбалари ва омиллари. Ҳудудларда иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари. Ўзбекистон ҳудудлари экспорт салоҳиятини баҳолаш. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг қонунчилик асослари. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаш усуллари. Минтақа иқтисодиётини молиялаштириш манбалари. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси ва уни минтақавий иқтисодиёт

муаммоларини ҳал қилишда қўллаш имкониятлари. Минтақаларда инвестицион сиёсатнинг асосий йўналишлари.

Иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини (саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш) ҳудудларда ўсиш нуқталари ва драйверлар сифатида жойлаштириш.

Ҳудудларни ривожлантиришнинг самарали шакллари (эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, кластерлар ва бошқалар). Кичик саноат зоналарининг моҳияти ва тушунчаси, ҳудудлар иқтисодиётидаги роли. Махсус иқтисодий зоналар ва уларнинг аҳамияти. Соҳа ва тармоқларда кластерларни шакллантиришнинг ҳудуд иқтисодиётига таъсири.

“Маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши, мақсади ва моҳияти.

“Ўзбекистон - 2030” стратегиясида ҳудудларни ривожлантириш учун белгиланган мақсад ва вазифалар. Стратегияда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш; аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш; маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш; глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва ҳудудий транспорт тизимининг салоҳиятини ошириш; саноатнинг “драйвер” соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш; “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш; экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича белгиланган мақсадлар.